

ДУРБЕКНИНГ «ЮСУФ ВА ЗУЛАЙХО» АСАРИНИ КИМ ЁЗГАН?

Бабаджанова Назокат Давронбековна
Урганч давлат университети Педагогика
факультети Бошланғич таълим
методикаси кафедраси ўқитувчиси
<https://doi.org/10.5281/zenodo.6793032>

Ўзбек адабиётида Юсуф қиссаси сюжети асосида яратилган дастлабки муфассал ва кенг кўламли асар Носируддин Бурҳонуддин Рабғузийнинг “Қисаси Рабғузий” асарида келтирилган Юсуф алайҳиссаломга бағишланган фасл бўлса-да, ушбу сюжет эпик талқинининг бадий жиҳатдан энг пишиқ ва мукаммал поэтик талқини ўзбек шоири Дурбек ижодига мансуб “Юсуф ва Зулайхо” достонидир.

Адабиётшуносликда Юсуф қиссаси сюжети асосида ўзбек мумтоз адабиётида яратилган асарлар ва уларнинг муаллифи билан боғлиқ анчадан буён давом этиб келаётган учта баҳс-мунозара мавжуд:

1. Ана шундай баҳсли масалалардан биринчиси ўзбек мумтоз адабиётининг дурдона асарларидан бири “Юсуф ва Зулайхо” достонининг Дурбекка тегишли ёки тегишли эмаслиги масаласидир. Гарчи Фитратнинг 1928 йилда чоп этилган “Ўзбек адабиёти намуналари” номли хрестоматиясидан тортиб ҳозирга қадар XV асрда ўзбек тилида яратилган “Юсуф ва Зулайхо” достонининг муаллифи Дурбек деб кўрсатиб келинса-да, XX асрнинг 60-йилларидан эътиборан, ўзбек адабиётшунослигида бу фикрга мунозарали масала, деб қаровчилар ҳам пайдо бўлган. Хусусан, 1971 йилда “Юсуф ва Зулайхо” достонининг морфологиясини тадқиқ этишга доир номзодлик диссертациясида Ж.Лапасов мазкур достоннинг тил хусусиятлари ва бадий услуби Алишер Навоий асарларига ўхшашлигини сабаб қилиб, унинг муаллифи Дурбек бўлишига шубҳа қилади.

Алишер Навоий ижодининг тадқиқотчиларидан бири Э.Шодиев илмий ва адабий манбаларда Дурбекники деб келинаётган “Юсуф ва Зулайхо” достонининг муаллифи масаласида ёзган мақоласида “Шу чоққача Дурбекка нисбат берилиб келаётган “Юсуф ва Зулайхо” достонининг муаллифи кўпчилик адабиётшуносларимизнинг баҳсу мунозараларига сабаб бўлмоқда. Баъзилар Дурбек – Мирзо Улуғбекнинг адабий тахаллуси деса, бошқа бирлари “Юсуф ва Зулайхо” достонини Ҳомидий Балхий, гоҳида Сайфий, гоҳ Аҳмадий қаламига мансуб, деб кўрсатишмоқда. Афсуски, бу фикрлар ишончли эмас”, – деб ёзади ҳамда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Шарқшунослик институтида “Юсуф ва Зулайхо” достонининг энг мукаммал нусхаларидан бири деб қараладиган

қўлёзмасида “Дурбек” тахаллуси бирор марта ҳам қайд этилмаганлиги тўғрисидаги маълумот, шунингдек, ушбу қўлёзмада келтирилган бир таърихда асарнинг ёзилган вақти 1469-70 йиллар деб чиқишини ҳисобга олган ҳолда, бу дoston Алишер Навоий қаламига мансуб бўлиши керак, деган тахминни илгари сурган эди.

Адабиётшунос Б.Валихўжаев самарқандлик Абдуҳамид Пўлодий деган кишининг уй кутубхонасида сақланиб келаётган “Юсуф ва Зулайхо” достони қўлёзмасидаги “Айлади бу нусхани Дурбек назм” деган жумлага асосланган ҳолда, ушбу асар муаллифи Дурбекдир, деб ёзган эди.⁴ Ўша йили “Ўзбек тили ва адабиёти” журналининг 1-сонида тилшунос Э.Фозилов билан Ж.Лапасовнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони ҳақида” номли бир мақоласи мунозара тарзида босилган. Мақолада мазкур дostonнинг муаллифи билан боғлиқ баҳсга муносабат билдирилиб, дostonнинг нисбатан қадимий нусхаларида “Дурбек” исми учрамаслиги, айрим нусхаларда, масалан, Туркия нусхасидаги Балх қамали билан боғлиқ лавҳада Хусайн Бойқаро мадҳи берилганлиги, асарнинг ёзилиш таърихи билан алоқадор байтлардаги чалкашликлар ана шундай мунозаранинг юзага келишига сабаб бўлганлиги кўрсатилади. “Юсуф ва Зулайхо” дostonининг Париж қўлёзмаси Алишер Навоийга нисбат берилиши хатолигини тўғри далиллаган адабиётшунос олима Фозила Сулаймонова ушбу асар 1409 йилда Дурбек тарафидан ёзилган, деб хулоса чиқарган.

“Қиссаи Юсуф алайҳиссалом”нинг бадиий адабиётдаги ўзига хос талқинларини ўрганган адабиётшунос олима Ҳ.О.Сафарова ҳам бу мунозарага муносабат билдирар экан, “асарнинг энг мукаммал нусхаларидан бири Дурбек номига нисбат берилади. Аммо фанда бу асарнинг Дурбекка алоқаси йўқлиги ҳақида турли мунозаралар мавжуд. Бироқ асар ўша муаллиф номи остида нашр этилган. Дурбек деган шоир ўтганлиги ҳақида ҳеч бир асарда ёки тазкираларда маълумот берилмаган. Аммо асар ҳақида ёзилган барча тадқиқотларда Дурбек номи қайд этилган. Ҳатто рус тилида нашр этилган “Юсуф ва Зулайхо”нинг муаллифи ҳам Дурбек номи остида берилган (Дурбек. Юсуф ва Зулайхо. –М.: “Худ.Лит.”, 1987. С.Северцев таржимаси). Асарнинг Алишер Навоий ижодига нисбат берилиши ҳам нотўғридир... Бинобарин, асар ким томонидан ёзилган бўлса ҳам, у ўзбек халқининг буюк маънавий меросидир”, – деб тўғри хулосага келади.

Зеро, ушбу асарнинг барча нашрларида ҳозирга қадар муаллиф номи Дурбек эканлиги қайд қилиб келинмоқда. Бунинг устига қозоқ адабиётшуноси П.Қ.Бисенбаев ўзининг Олтин Ўрда даври адабий

ёдгорликлари таҳлиliga доир бир мақоласини ана шу асарнинг ғоявий-бадий хусусиятлари ҳамда поэтик тили масаласига бағишлаган бўлиб, муаллиф бу асарнинг муаллифи Дурбекдир, деган хулосага келади. Бу мақолада асарнинг мазмуни ва моҳияти билан бир қаторда муаллиф яшаган давр адабий муҳитига ҳам муносабат билдириб ўтилган. Дурбек “Қисаси Рабғузӣ” асаридан хабардор бўлган эса-да, унинг бу мавзуда асар ёзишига Қул Алининг “Қиссаи Юсуф” достони асос бўлган, деб ҳисоблайди. Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони ҳақидаги илк бор жиддий илмий мулоҳаза юритган мутахассис таниқли адабиётшунос олим Е.Э.Бертельс бўлиб, унинг “Ўзбек шоири Дурбек ва унинг гўзал Юсуф ҳақидаги достони” номли мақоласида бу асарнинг ёзилиш тарихи, мазмуни, бадиияти ва ўзбек мумтоз адабиёти тараққиётида тутган ўрни каби муҳим масалалар ёритилган. Олим Дурбек асарининг Балх қамали тасвирига бағишланган қисмини рус тилига таржима қилиб, китобхонлар эътиборига ҳавола қилиш баробарида асарнинг қисқача мазмунини ҳам келтирган.

Адабиётшунос С.Ҳайдаров Дурбек ижодини ўрганишга доир илмий ва адабий манбаларни тавсифлаб, шоир ижодига Атоуллоҳ Ансорий анъанасининг таъсири, “Юсуф ва Зулайхо” достонининг композицион тузилиши, ғоявий-бадий хусусиятлари, шоир поэтик маҳорати ва бадий тили масалаларини атрофлича таҳлил қилган. Тадқиқотчи ўзбек мумтоз адабиётига Юсуф мавзусининг кириб келишини диний манбалар билан боғласа-да, тарихий-генетик асосларига кўра ушбу қиссанинг дастлабки сюжет ўзаклари Фаластин ривоятларига бориб тақалишини тўғри асослаган. Табиийки, туркий мумтоз адабиётда тобора кенг тарқалиб бораётган ушбу эпик сюжетни бадий талқин қилиш жараёнида шоир Дурбек халқ оғзаки ижодининг тили, услуби ва халқона ташбеҳларидан самарали фойдаланган. Фольклорнинг шоир ижодига ана шундай таъсирини тўғри аниқлаган

XV аср ўзбек адабиётининг ўзига хос хусусиятлари, унинг туркий ва форс-тожик адабиёти билан ўзаро алоқаларини қиёслаб ўрганган адабиётшунос Э.Р.Рустамов Дурбек ижодига адабий анъананинг таъсири масаласига ҳам тўхталиб, “Юсуф ва Зулайхо” достонининг яратилиши туртки бўлган асосий манба Абдуллоҳ Ансорийнинг “Анисул муридин ва шамсул мажолис” асаридир, деб хулоса чиқарган.

Бизнинг фикримизча, “Юсуф ва Зулайхо” достонининг муаллифи Дурбек эканлигига шубҳа қилмаслик лозим. Ҳозирга қадар, нафақат мамлакатимизда, ҳатто унинг сарҳадларидан ташқарида ҳам адабий-илмий доираларда Дурбек “Юсуф ва Зулайхо” достонини ёзганлиги

эътироф этиб келинмоқда. Бинобарин, “Ўзбекистон миллий қомуси”да ҳам шоир ҳақида “Дурбек” (14-аср охири – Балх – 15- аср боши) – ўзбек шоири. Унинг “Юсуф ва Зулайхо” достонигина етиб келган. Дурбекнинг “Юсуф ва Зулайхо” достони 1409 йилда ёзилган. Достон асосини Шарқда машҳур Юсуф ва Зулайхо ҳақидаги ривоят ташкил этган. Шарқ адабиётида сайёр сюжетга айланиб кетган бу мавзу ўзига хос услубда қайтадан (ўзбек тилида) баён этилган. Дурбек ўзи яшаган давр манзараларини достон руҳига сингдириб юборган”лиги қайд этилган.